Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 2 май, № 90 (7592) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: БИРОНТА ХОНАДОН, БИРОНТА ОДАМ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Ёмғир ёғиб, кучли шамол бўлгани сабабли 1 май куни эрталаб Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омбори тўғонининг бир қисми ўпирилган эди. Оқибатда сув оқими аҳоли пунктлари, коммуникация тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги майдонларига катта зарар етказди.

Давлатимиз раҳбари зудлик билан воқеа жойига етиб келди. Ҳукумат комиссияси ташкил этилиб, фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш, аҳолини хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилиш ва уларга ҳар томонлама ёрдам бериш бўйича барча чора-тадбирлар кўрилди.

Президентимиз Оқолтин туманида аҳоли билан учрашиб, ушбу табиий офатдан жабрланган ҳар бир инсон алоҳида эътиборга олиниши, ҳамма уй-жой ва озиқ-овқат билан таъминланишини таъкидлади.

— Бу ҳеч ким кутмаган синов. Биринчи ҳаракатимиз одамларни эҳтиёт жойларга кўчириш бўлди. Энг катта масала — ўлим бўлмаслиги. Оқсоқоллар, маҳалла раислари ва нозирларидан илтимос қиламан: одамларни йиғиб, уйларга, палаткаларга жойлаштириб, озиқ-овқат билан таъминлаб, маҳаллама-маҳалла саранжом қилиб олишимиз керак. Бунинг учун ҳамма куч ва воситаларни сафарбар қиламиз. Шароит яхши бўлмагунча биронта раҳбар кетмайди. Сабр қилиб, оғирликни елкамизга олиб, чидашимиз керак. Биронта хонадон, биронта одам эътиборсиз қолмайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тезкор чора-тадбирларга Фавқулодда вазиятлар, Сув хўжалиги вазирликлари, маҳаллий ҳокимликлар, қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқа хизматлар мутахассислари сафарбар этилди. Сув омбори яқинидаги маҳаллалар аҳолиси хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинди. Жумладан, туманларда ташкил этилган махсус штаблар томонидан мактаб, коллеж, корхона ва хонадонларга жойлаштирилди.

Шунингдек, Мудофаа вазирлиги шахсий таркиби ва махсус техникалари аҳолини эвакуация қилиш, тегишли хўжалик объектларини жиҳозлаш учун сафарбар қилинди. Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиянинг Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятлари ҳудудий бошқармалари эвакуацияга кўмаклашиш, тартибни сақлаш ишларига жалб этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Сардоба сув омбори тўғони очилган жойга бориб, уни кўздан кечирди. Ҳукумат комиссияси ва мутахассислар билан муҳокама қилган ҳолда сув оқимини тўхтатиш учун зарур куч ва воситалар жалб қилинди.

Ҳозирда тўғондан сув чиқиши тўхтаган. Тошган сув оқими Оқолтин туманидан ўтувчи Абай каналига туширилиб, Жиззах вилоятидаги Арнасой кўлига йўналтирилган.

Президентимиз вазиятни шахсий назоратга олган.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

АҲОЛИНИНГ УЙ-ЖОЙ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ ҲАМДА ИПОТЕКА КРЕДИТИ БОЗОРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, ипотека кредити бозорини янада ривожлантириш, хусусий пудрат ташкилотларини уй-жойлар қурилишига кенг жалб қилиш ҳамда уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5886-сон Фармонига (кейинги ўринларда — Фармон) мувофиқ:

бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби (кейинги ўринларда — янги тартиб) жорий қилинганлиги;

хусусий пудрат ташкилотлари томонидан **ўз маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига қурилган квартираларни** бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратишга рухсат этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

(Давоми 2-бетда).

САРОСИМАГА ТУШМАСЛИК, БИРГАЛАШИБ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ

ҳар қандай офат оқибатларини бартараф этади

Фалокат тўсатдан келади. Уни енгишнинг бош омили эса саросимага тушмаслик, биргалашиб ҳаракат қилишдир. Дарҳақиқат, ҳамжиҳатлик эл бошига иш тушганда билинади, синовдан ўтади. Шу маънода, айтиш мумкинки, кеча Сардоба сув омборида юз берган сув тошқини ҳам халқимиз матонатининг яна бир имтиҳони бўлди. Президентимизнинг офат рўй берган манзилга зудлик билан етиб бориб, тошқинни тўхтатиш ва салбий оқибатларининг олдини олиш, аҳолини хавфсиз жойларга эвакуация қилишга шахсан ўзи бош бўлгани эса барчага катта куч бағишлади.

Муносабат

Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлими раҳбари:

— Халқимиз қийинчиликларнинг олдида ҳеч қачон довдираб қолмайди. Сардоба сув омборида юз берган фалокат халқимизнинг мустаҳкам иродасини, матонатини, имондиёнатини яна бир синовга қўйиб турибди.

Воқеа жойига зудлик билан Юртбошимиз ташриф буюриб, жамоатчилик билан учрашдилар ва бирорта хонадон зарар кўришига, бу мушкул кунларда ёлғиз қолишига йўл қўймаймиз, дедилар. Бу гаплари ҳамма сирдарёликларга руҳий мадад бўлди, бу вазиятдан соғ-саломат ўтиб олишимизга ишонч уйғотди. Чунки халқ ҳамиша жасоратли, бир сўзли, адолатли Йўлбошчига эргашган. Ишонамизки, ушбу хавфдан ҳам одамларимиз бир-бирларига таянч бўлиб ўтиб оладилар.

Ўтбосар АБДИЕВ, Сирдарё вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари:

— Сирдарё аҳлининг бийдай чўлни минг машаққатларни енгиб, боғу бўстонга айлантирган матонатли одамлар эканлигини халқимиз яхши билади. Сув тошқини бўлган ҳудудда ҳам ана шундай кишилар ва уларнинг авлодлари яшайди. Улар рўй берган сув тошқинида ҳам ота-боболаридан мерос мардонаворлик, жасорат намуналарини кўрсатдилар. Ҳамма бир тану бир жон бўлиб, биргалашиб, белгиланган тартибларга ўз вақтида ва қатъий риоя этган ҳолда ҳаракат қилгани натижасида тез фурсатда барча аҳоли хавфсиз ҳудудларга етказилди.

2

Акс садо

ЭЛИМИЗ МЕҲНАТКАШ, ЕРИМИЗ САХОВАТЛИ

“Уйда қолинг”. Ушбу даъватга амал қилиб, оғир синовларга қарши сабр-бардош, матонат билан курашаётганимизга ҳам, мана, бир ярим ойдан ошди. Тўғри, коронавирус пандемиясидан қутулиш ҳеч қайси давлатда осон кечаётгани йўқ. Аммо иродали халқимиз барча қийинчиликни ортда қолдиряпти, одамларимизда ўз соғлиғига эътиборли бўлиш тушунчаси ошди, шукроналик, хотиржамлик каби ғоятда муҳим ва ҳаётий туйғулар янада жўш урди.

Кейинги пайтларда давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилаётган ҳар бир видеоселектор йиғилишида пандемияга қарши самарали курашиш, аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича зарур топшириқ ва кўрсатмалар берилмоқда. Бу барча вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари қаторида, биз, ҳокимлар учун ҳам муҳим йўналиш, ишни ташкил қилишда дастуриламал бўлиб хизмат қиляпти.

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини ташкил этиш бўйича илгари сурилган таклиф, айниқса, эътиборлидир. Президентимиз улуғ шоир ва мутафаккир бобомиз **Алишер Навоийнинг “Саховатли инсоннинг бошига жаннат дарахтлари соя солади”** деган сўзларида чуқур ҳикмат борлигини эслатиб ўтгани ҳам бежиз эмас, албатта.

3

Ҳамжиҳатлик

СИНОВЛАРНИ ЕНГИБ ЎТАЁТГАН МАТОНАТ

Маълумки, 27 апрель куни кечқурун Бухоро вилоятида юз берган табиий офат Олот, Қоракўл туманларидаги ижтимоий объектлар, уй-жойлар, алоқа-коммуникация тизимлари, боғ-роғлар, экин майдонларига катта зиён етказди. Шу тариқа халқимиз яна бир оғир синов билан юзма-юз келди. Ана шундай синовли дамларда эл жипслашди. Одамлар бир ёқадан бош чиқариб, талафот оқибатларини бартараф этишга киришди.

Хусусан, Олот туманида бўлганимизда метин иродали, сабр-тоқатли, қатъиятли, бағрикенг юзлаб, минглаб одамларни кўриб, улуғ халқ қудрати ҳар қандай офат оқибатларини енга олишига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

2-саҳифага қаранг.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда парламентнинг роли янада кучайтирилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Парламент аъзолари томонидан ҳар бир масала халқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, масъулият билан муҳокама этилди, қизғин фикр-мулоҳаза, таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Одам савдосига қарши кескин чора

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қўллаб-қувватлаш, айниқса, қийин вазиятга тушиб қолган, билиб-билмай “одам савдоси” деган илдан саналади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, депутатлар янги таҳрирдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига жиддий ёндашишди.

3

Парламент эшитуви

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг юксак эътирофи

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унга риоя этиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда бу борадаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётига тизимли ва босқичма-босқич имплементация қилишнинг ўзига хос модели шакланди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида 70 дан зиёд халқаро ҳужжатларга, шу жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та Факультатив протоколига қўшилган, уларнинг бажарилиши юзасидан миллий маърузалар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ҳамда шартномавий қўмиталарига доимий равишда тақдим этиб борилмоқда.

3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2020 йил 2 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

АҲОЛИНИНГ УЙ-ЖОЙ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ ҲАМДА ИПОТЕКА КРЕДИТИ БОЗОРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. **2020 йил 1 майдан бошлаб 2022 йил 1 январга қадар** жисмоний шахсларга хусусий пудрат ташкилотлари томонидан **тайёр ҳолда топшириш шартисиз (пардоз ишларини амалга оширмасдан) қурилган квартираларни** бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратишга рухсат берилсин.

3. Хусусий пудрат ташкилотлари томонидан **қуриб битказилган квартираларни, шунингдек, тайёр ҳолда топшириш шартисиз (пардоз ишларини амалга оширмасдан) қурилган квартираларни** бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун бир қарз олувчига ажратиладиган **ипотека кредитларининг энг кўп миқдорлари**:

қишлоқ жойларида **2 хонали** квартиралар учун **174 миллион** сўмдан **240 миллион** сўмгача, **3 ва ундан кўп хонали** квартиралар учун **224 миллион** сўмдан **320 миллион** сўмгача;

шаҳарларда **2 хонали** квартиралар учун **180 миллион** сўмдан **240 миллион** сўмгача, **3 ва ундан кўп хонали** квартиралар учун **232 миллион** сўмдан **320 миллион** сўмгача;

Тошкент шаҳрида **2 хонали** квартиралар учун **198 миллион** сўмдан **264 миллион** сўмгача, **3 ва ундан кўп хонали** квартиралар учун **255 миллион** сўмдан **352 миллион** сўмгача оширилсин.

4. Янги тартиб доирасида аҳолига ажратиладиган ипотека кредитлари (шу жумладан, бугунги кунга қадар ажратилган ипотека кредитлари) муддати **15 йилдан 20 йилгача узайтирилсин**.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда янги тартиб доирасида тижорат банкларида жойлаштирган кредит ресурслари муддатини 15 йилдан 20 йилгача узайтирсин.

Тижорат банклари бир ой муддатда янги тартиб доирасида жисмоний шахсларга берилган ипотека кредитлари муддатини 15 йилдан 20 йилгача узайтирсин ҳамда тузилган шартномаларга тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорнинг:

2–4-бандларида назарда тутилган тартиб ва шартлар 2022 йил 1 январга қадар амал қилади ва янги тартибга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маблағлари ҳисобидан ажратиладиган ипотека кредитларига нисбатан татбиқ этилади;

3-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошларида назарда тутилган квартираларни сотиб олишга ажратилган ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадалнинг бир қисмини тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун субсидиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги томонидан **белгиланган уй-жой ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдорида тўланади**.

7. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида тажриба тариқасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тижорат банкларига ажратган кредит ресурслари ҳисобидан мазкур қарор қабул қилингунга қадар жисмоний шахсларга қонунда белгиланган тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкаларида **якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва қайта қуриш** учун кредитлар ажратишга рухсат берилсин.

Бунда, кредитлар жисмоний шахсларга:

қурилаётган (қайта қурилаётган) якка тартибдаги уй-жой жойлашган жойи бўйича мазкур қарорнинг 3-бандида назарда тутилган кредитнинг энг кўп миқдорларидан ошмайдиган ва дастлабки бадали якка тартибдаги уй-жойни қуриш (қайта қуриш) ишлари қийматининг **10 фоизидан кам бўлмаган** миқдорида **20 йил муддатга ажратилади**;

белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган лойиҳа асосида хусусий пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган якка тартибдаги уй-жойни қуриш (қайта қуриш) ишлари бўйича тўловларни уларнинг депозит ҳисоб рақамларига нақд пулсиз шаклда амалга ошириш орқали берилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ҳамда Марказий банк билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида амалга ошириладиган тажриба натижаларидан келиб чиқиб, якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини қўллаб-қувватлаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига 2020-2021 йиллар давомида уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий бюджет даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан Фармон билан тегишли ҳудуд учун белгиланган субсидиялар сонини **1,3 бараварга** ва суммасини **40 фоизгача оширишга** рухсат берилсин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 майдан 31 декабрга қадар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан хусусий пудрат ташкилотларига янги тартиб доирасида шаҳар ва қишлоқ жойларида **4 ва ундан юқори қаватли ҳамда Тошкент шаҳрида 7 ва ундан юқори қаватли** кўп квартирали уй-жойлар қуриш учун ажратилган тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитлари бўйича:

кредит суммасининг **50 фоизигача**, бироқ **8 миллиард** сўмдан ошмаган миқдорда кафиллик берилади;

фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг **1,75 бараваридан ошмайдиган** ва суммаси **20 миллиард** сўмдан ортиқ бўлмаган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, бироқ **10 фоиз пунктидан кўп бўлмаган** қисмини қоплаш учун компенсация тўланади.

Бунда, кафиллик ва компенсациялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги томонидан **квартира бир квадрат метрининг тегишли ҳудуддаги ўртача бозор қиймати ҳамда 2 хонали, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар майдонининг белгиланган меъёрларини инобатга олган ҳолда** кўп квартирали уй-жойлар қурилганда берилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А. Н. Арипов) икки ҳафта муддатда янги тартиб доирасида шаҳарларда кўп квартирали уй-жойларни қуриш учун ер участкаларини “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасидаги электрон аукционига чиқариш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 1 май

САРОСИМАГА ТУШМАСЛИК, БИРГАЛАШИБ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ

ҳар қандай офат оқибатларини бартараф этади

Президентимиз қисқа вақт ичида офат рўй берган ҳудудга етиб келиб, зарур чораларни белгилаб бергани барчага катта далда бўлди. Давлатимиз раҳбари бундай вазиятда маҳаллаларнинг масъулияти ҳар қачонгидан юқори бўлиши кераклигини, ҳар бир маҳалла раиси ҳамда профилактика инспектори ўз ҳудуди аҳолиси билан бирга бўлиб, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши зарурлигини таъкидладилар. Ҳозир ҳамма шу кўрсатмаларни тўла-тўкис бажараётир.

Сув тошқини рўй берган ҳудудлардан кўчирилган аҳолига етарли шароитлар яратиб берилди. Яна бир эътиборли жиҳати шуки, воқеа юз берган дастлабки пайтдан бошлаб нафақат вилоятимиз, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудидан ёрдамлар келмоқда. Бундан бутун Сирдарё аҳлининг кўнгли тоғдек кўтарилмоқда. Бу халқимизнинг меҳр-оқибати, ҳамжиҳатлигининг ёрқин ифодасидир.

Шуҳрат ЖАЛИЛОВ,
Сардоба туманидаги “Кўрғонтепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Тошқиннинг дастлабки зарбаси бизнинг маҳалламизга урилди. Хабар келган заҳоти, яъни тонг ғира-ширасида овоз кучайтиргичлар орқали аҳолини тезликда уйларини тарк этишга чақирдик. Қисқа фурсатда фавқулодда вазиятлар, ҳокимликлар ва турли ташкилотлар билан биргаликда одамларни турли транспорт воситаларида хавфсиз жойларга кўчирдик.

Халқимиз асрлар давомида оила ва қўни-қўшничилик анъаналарини мустаҳкам сақлаб келган. Бу бизда қадрият даражасига кўтарилган. Шу ўринда қишлоқдошимиз, фермер Абдуҳошим Азимовнинг жасоратини айтиб ўтишим лозим, деб ҳисоблайман. У киши ҳаётини қил устига қўйиб бўлса-да, сувда оқиб бораётган икки нафар вояга етмаган қизалоқни офат чангалидан қутқариб қолди. Умуман, маҳалладошларимизнинг бир-бирини қўллаб-қувватлови ва албатта, кўз очиб-юмгунча етиб келган қутқарувчиларнинг тезкорликлари, мардона ҳаракатлари туфайли офатнинг келиб чиқиши мумкин бўлган мудҳиш оқибатларининг олди олинди.

Маҳалламиз аҳли хавфсиз масканга жойлаштирилди. Уларга сув тошқинининг дастлабки дақиқалариданоқ давлатимиз ва халқимиз томонидан кўрсатилган беқиёс кўмак, ғамхўрликлар, меҳр-оқибат катта мадад бўлмоқда.

Башорат ҚОДИРОВА,
Мирзаобод туманидаги Навбаҳор маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси:

— Халқимизнинг ҳар қандай қийинчилик олдида эсанкирамай, унга қарши Президентимизнинг шахсан раҳбарлигида залворли тўлқиндек бирлашиб курашиши туфайли Сардоба сув омборидан сув оқиб чиқиши тезда жиловланди. Ва сув омбори этагида яшаётган барча аҳолидаги хавотир ўрнини ишонч, хотиржамлик эгаллади. Уларнинг ҳаёти мустаҳкам қалқон — давлатимизнинг доимий ҳифзи ҳимоясида эканликларини дилдан ҳис этишди.

Ватанга муҳаббат, уни севишни ҳар ким ҳар хил тушунади. Маҳалладошларимизга далда бўлган яна бир нарса шуки, уларнинг бошига тушган офатни енгишга бутун мамлакат халқи елкадош бўлмоқда. Бу эса рўй берган фалокат оқибатлари тез орада бартараф этилиши ва яратувчанлик, тинч-хотиржам ҳаёт яна ўз изига тушишига бўлган ишончларини орттирмоқда.

Энг муҳими, биз, навбаҳорликлар ҳозир қишлоғимиздан ташқарида бўлсакда, хавф бутунлай бартараф этилгач, жонажон гўшамизни янада обод қилиш, боғу роғларимизни яшнатиш ҳақидаги эзгу ниятлар билан яшаяпмиз.

Доно АБДУВАЛИЕВА:

— Очиғи, Президентимизнинг халққа далда бўлиб, биз каби қийин аҳволга тушиб қолган одамлар билан суҳбатлашиб, “Мана мен турибман”, деган гапларидан руҳланиб кетдик. Бизни хавфсиз жойларга кўчиришди. Бу ерда ҳамма шароитларни қилиб беришди. Озиқ-овқат, ётоқхона, шифокорлар ҳам хизматимизда турибди. Ҳаммаси учун раҳмат.

Адолат ЖЎРАЕВА:

— Шундай вазиятда бизни давлатимиз раҳбари, ҳукуматимиз ёлғиз қўймади. Оғир пайтда бизга тиргак бўлиб, катта ёрдам қўлини чўзишди. Бунинг учун ҳаммаҳаммага катта раҳмат.

Гулчеҳра ДАВИРОВА:

— Оиламиз катта. Энг аввало, Яратган эгам тинчлик берсин. Бизни асрагани мана шу бўлади. Агар шу вазият кечаси бўлганида нима қилардик? Шунинг учун сабр қилиб, ҳамма қийинчиликларни енгиб ўтамиз.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.



СИНОВЛАРНИ ЕНГИБ ЎТАЁТГАН МАТОНАТ

«Одамларнинг ўзлари менга тасалли беришди»

— Табиий офат рўй берганида, очиғи, ўзим ҳам карахт аҳволга тушдим, — дейди Олот тумани ҳокими Наргиза Неъматова. — Ҳар бир маҳаллага кириб борарканмиз, “Одамларга нима дейман, уларни қандай қилиб юпатаман?” деган савол тинчлик бермасди, денг. Буни қарангки, фуқароларимизнинг ўзлари “Опа, асло хавотир олманг. Бу қийинчиликларни енгиб ўтамиз, албатта. Президентимиз, давлатимиз бизни ёлғизлатиб қўймайди”, дея тасалли беришди...

Давлатимиз раҳбари вертолётда туманимизга келаётганини эшитгач, кўнглимиз таскин топди. Ўзимизни руҳан тетик ҳис этдик. Ахир офат оқибатида ташқи дунёдан буткул узилиб қолгандик-да. Президентимизнинг фаоллар, одамлар билан учрашиб, “Асло саросимага тушманглар. Мен учун ҳар бир маҳалла, ҳар бир оила азиз. Насиб этса, янги Олот барпо этамиз”, мазмунидаги сўзлари бизга катта куч берди. Эътиборлиси, туманимиз учун талафот оқибатларини бартараф этиш, қурилиш, тиклаш, ободончилик ишлари учун жуда катта маблағ ажратилди. Насиб қилса, тез орада Олот туманининг қиёфаси буткул ўзгаради, маҳобатли, шинам ва замонавий бинолар қурилади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, тумандаги 13 847 та хонадон, 35 та умумтаълим мактаби, 13 та мактабгача таълим, 19 та соғлиқни сақлаш муассасаси, мингдан зиёд тадбиркорлик субъектлари табиий офатдан зиён кўрган.

«Уйимиз ҳавас қилгулик даражага келтирилди»

Туман марказида яшовчи Дилобар Чўллиева ўғил уйлантиришдек ширин ташвишлар билан юрганди. Ҳатто тўй куни ҳам аниқ эди. Аммо коронавирус балоси туфайли тадбир ортга сурилди. Бу ҳам етмагандек табиий офат...

— Ўша тунда мижжа қоқмай тонг оттирдик, — дейди у. — Оиламизда ўн киши яшайди. Минг карра шукр, соғ-омонмиз. Кучли шамол оқибатида уйимиз шиферлари қўпорилиб кетди. Дераза-эшиклар яроқсиз ҳолга келди. Очиғи, тўйга атаб йиққанимни энди уйни таъмирлашга сарфлайманми, деган ўй гирдобида қолгандим. Шундай қийин паллада жонимизга давлат раҳбари, вилоят, туман мутасаддилари оро киришди. Шифер ва бошқа зарур қурилиш материаллари келтирилиб, ўша куниёқ уйимиз таъмирланди. Ҳавас қилса арзийдиган бўлди. Ҳовлимиз ҳам тартибга келтирилди.

Биз, ўз навбатида, таъмирлаш ишларини тезкорлик билан олиб бораётган қурувчиларга юзландик.

— “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Қўқон минтақавий темир йўл узели корхоналарида фаолият кўрсатаётган ишчилардан иборат бригада тузиб, ҳашарга келдик, — дейди Қўқон вагон депоси бош муҳандиси Мираҳмад Йўлдошев. — Кўриб турганингиздек, жамоамиз аъзолари ўз ишининг устаси. Кечга бориб, шу кўчадаги барча тураржойларни таъмирлашни ниҳоясига етказамиз...

Кўнгилларга кўчаётган бағрикенглик

Туман марказидаги Алишер Навоий кўчасида истиқомат қилувчи Элбек Ўриновнинг қарамоғидаги онасининг ҳам ногиронлиги бор. Боласи икки ёшда. Маҳалла фаоллари унинг эҳтиёжмандлигини ҳисобга олиб, озиқ-овқат маҳсулотларини уйига элтишди. Шунда Элбек: “Меҳру мурувват учун раҳмат. Аммо мен бу туҳфаларингни қабул қилолмайман. Аҳволи мендан ҳам оғир фуқаролар турганда бу егуликлар томоғимдан ўтмайди”, дея кўмакни рад этди.

Йигитнинг бу тантилигини кўрган маҳалла мутасаддилари уни жамоат ишларига жалб этиш фикрига келишди. Элбек учун ҳам бу айни муддао бўлди. “Ишлаяпман, талафот оқибатларини бартараф этишга кўмаклашяпман, элга нафим тегяпти, ҳаётимдан мамнунман”, дейди у.

Элбек яшаётган Халқобод маҳалласида ана шундай мард, бағрикенг кишилар оз эмас. Меҳнат фахрийси, педагог Олтиной Очилова — ана шуларнинг бири. Олтиной опанинг ташаббуси билан қурувчию ҳашарчиларга маҳаллада тушлик тайёрлаш йўлга қўйилди. Бугун ушбу маҳалла ҳам катта қурилиш майдонига айланган. Чунки табиий офатдан ҳудуддаги 19 та кўп қаватли уйнинг барчаси, 1-сонли мактабгача тарбия муассасаси, кўплаб ҳовлилар зиён кўрди.

— 80 ёшга кириб бунақанги офат рўй берганини эслай олмайман, — дейди ўзини Хадича Йўлдошева дея таништирган онахон. — Кучли шамол оқибатида томимиз шифери учиб кетди. Уйдан чакки ўтди. Кўрпа-тўшак ҳўл. Аммо нолимайман. Чунки раҳбарларимиз биздан кўнгил сўрашди. Юртбошимизнинг сўзларини етказишди. Юрагимга қил ҳам сиғмай турганди. Яхши гапларни эшитиб, кўнглим ёришди. Мен ҳозир маҳаллага ёрдам сўраб эмас, қуйидаги гапларни айтгани келдим: ана шу эзгу ишларнинг бошида турганларнинг азиз боши ҳамиша омон бўлсин!

Электр таъминотида муаммо бўлмайди

Бухоро шаҳар электр тармоқлари корхонаси раҳбари Бахтиёр Рўзиевни ишчилар орасида учратдик.

— Бугун аҳолини ташвишлантираётган энг долзарб масала электр энергияси таъминотидир, — дейди у. — Чунки кучли шамол оқибатида таъминотда узилиш рўй берди. Бригадамиз зиммасига бугун 10 та трансформатор пунктига уланган ижтимоий объектлар ва аҳоли хонадонларида электр таъминотини йўлга қўйиш вазифаси юкланган. Бу вазифани уддаладик. Натижада 1,5 мингтадан зиёд хонадонларда таъминот тикланди. Бу юмушга бошқа шаҳар ва туманлардан ҳам махсус бригадалар жалб этилган. Юқори ташкилотлар томонидан зарур материаллар ўз вақтида етказиб бериляпти. Тез орада электр таъминоти бўйича ҳеч қандай муаммо бўлмайди.

Биз алоқа тизими, қурилиш-таъмирлаш, ободончилик ташкилотлари ходимларидан ҳам худди шу мазмундаги сўзларни эшитдик. Бу давлатимиз раҳбари топшириғига асосан ташкил этилган махсус штабнинг ҳар бир масалани оқилона ҳал этаётгани самараси, албатта.

Дарвоқе, Олотдан Бухоро шаҳрига қайтарканмиз, шифер, шағал, ёғоч, ғишт ва бошқа маҳсулотлар ортилган ўнлаб юк машиналарига дуч келдик. Бу машиналар карвони пештоқига “Биз — бухороликмиз”, деган ёзув туширилган эди.

Дарҳақиқат, эл бошига иш тушган шу кунларда ҳар бир юртдошимиз ўзини Ўзбекистон, унинг бир бўлаги саналган Бухоро фарзанди, деб ҳис этяпти. Халқимиз юрагида инсонпарварлик, элпарварлик туйғулари жўш урмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ЕВРООСИЁ ОМБУДСМАНЛАРИ АЛЬЯНСИНИНГ ОНЛАЙН МАЖЛИСИ

29 апрель куни Арманистон, Мўғулистон, Россия, Сербия, Эрон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Ўзбекистон омбудсманлари ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари вакиллари иштирокида Евроосиё омбудсманлари альянсининг онлайн мажлиси ўтказилди. Тадбир Россия Федерациясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Татьяна Москалькова ташаббуси билан видеоконференция шаклида ташкил этилди.

Жараён

Анжуман мавзуси иккита алоҳида сессиядан иборат бўлиб, биринчисида иштирокчилар Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан тарихий хотирага бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш масаласини муҳокама этишди. Барча қатнашчилар ўз давлатида бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўз юритди. Жумладан, Ўзбекистонда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори А. Саидов ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) У. Муҳаммадиев маъруза қилди.

Ўзбекистон вакиллари Иккинчи жаҳон урушининг оқибатлари ҳамда уруш қатнашчилари ва уларнинг оилаларига бугунги кунда мамлакатда кўрсатилаётган ғамхўрликларга алоҳида эътибор қаратишди.

Маърузачилар томонидан Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтириш, фашизмга қарши жангларда, меҳнат фронтида жонбозлик кўрсатган фахрийларимизга алоҳида эҳтиром кўрсатиш юртимизда олижаноб анъанага айланганлиги алоҳида таъкидланди.

Сессия сўнгида Евроосиё омбудсманлари альянсининг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган мажлиси бўйича якуний Резолюцияси қабул қилинди.

Иккинчи сессияда иштирокчилар коронавирус пандемияси шароитида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда омбудсманлар ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи миллий институтларнинг ижобий тажрибалари борасида ўзаро фикр алмашдилар.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) У. Муҳаммадиев ўз сўзида бутун дунёни хавотирга солган коронавирус пандемияси билан курашда Ўзбекистонда амалга оширилаётган чора-тадбирларга тўхталди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга, инсонларнинг соғлиғи ва ижтимоий ҳимоясига қаратилган бир нечта Фармон ва қарорлари, шунингдек, ҳукумат қарорлари эълон қилингани, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш мақсадида Президент ташаббуси билан “Саховат ва кўмак” жамғармаси ташкил этилгани айтиб ўтилди. Бундай чоралар натижасида, аввало, инфекция кенг тарқалиб кетишининг олди олинди, иккинчидан, аҳолининг барча қатлами давлат томонидан тиббий ва ижтимоий ҳимояга олинди. Ҳатто, жазони ижро этиш тизими ҳам эътибордан четда қолмади.

Онлайн мажлисда бошқа иштирокчиларнинг ҳам маърузалари тингланди. Сессия якуни бўйича COVID-19 пандемияси тарқалиши шароитида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган Евроосиё омбудсманлари альянсининг Баёнотини қабул қилди.

«Халқ сўзи».

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда парламентнинг роли янада кучайтирилади

1

Хўш, қонун лойиҳасида қандай асосий қоидалар назарда тутилмоқда?

Халқ вакилларининг қайд этишича, унда, энг аввало, одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муҳим тамойиллар белгиланиб, асосий тушунчаларга аниқ таърифлар берилмоқда. Бу, ўз навбатида, одам савдоси билан шуғулланувчиларни жиноий таъқиб этиш, шунингдек, одам савдосидан жабрланганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашда қонуний асос бўлиб хизмат қилади.

Миллий қонунчилигимизда илгари бўлмаган одам савдоси жабрдийдаларини идентификация қилиш ва уларни қайта йўналтириш тушунчалари алоҳида бобда акс этаётгани, қолаверса, вояга етмаганлар савдосининг олдини олишнинг муҳим жиҳатлари мазкур ҳужжатда аниқ белгиланаётгани ҳам эътиборга молик.

Парламент аъзолари ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши одам савдоси жабрдийдалари бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борада давлат органларининг ташаббускорлигини ошириш, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси бошчилигида ваколатли органларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлашди. Энг муҳими, одам савдосига қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида холис ва тўғри маълумотларни кенг жамоатчилик ҳамда халқаро ҳамжамиятга етказишга кўмаклашади.

Муҳокамалар чоғида депутатлар қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан ўз фикрларини билдиришди. Фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар инобатга олинган ҳолда, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Руҳий ҳолати бузилган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш қонун билан мустаҳкамланади

Сўнгги ўн йилда жаҳонда кечаётган глобаллашув, ҳаёт тарзининг жадаллашуви, ахборот-маълумотлар оқимининг бир неча марта кўпайиши ҳамда экологик салбий омиллар инсон саломатлигининг барча йўналиши каби унинг руҳий ҳолатига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Биргина XIX аср охирида руҳий касалликлар аҳоли умумий сонига нисбатан 1 фоиздан кам (0,7-0,9 фоиз) бўлган бўлса, XX аср ўрталарига келиб бу кўрсаткич 3 — 6 фоизни ташкил этди. XX асрнинг иккинчи ярмида юз берган инқилобий илмий-техникавий тараққиёт, экологик ўзгаришлар, ахборот оқимининг кўпайиши инсон руҳий ҳолатига кескин таъсир кўрсатиб, турли давлатларда руҳий касалликка чалинган инсонлар аҳоли умумий сонига нисбатан 10 фоиздан 20 фоизгачани ташкил қилмоқда.

Беморлар сони кўпайиши билан бундай касалликларнинг жамиятга таъсири ва жамиятнинг бу беморларга муносабатини ҳам қонуний асосларда тартибга солишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Депутатлар “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилишди.

Лойиҳа умумий қоидалар, аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат органларининг ваколатлари, руҳий ҳолати бузилган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва психиатрия ёрдами билан таъминлаш, психиатрия ёрдами кўрсатувчи шахслар ва муассасалар, тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, психиатрия ёрдами турлари ва уни кўрсатиш тартиби, психиатрия ёрдами кўрсатиш бўйича ҳаракатлар устидан шикоят қилиш каби боблардан иборат.

Мазкур лойиҳада аввал қонунчилигимизда бўлмаган “психиатрия ёрдами”, “психиатрия муассасаси”, “руҳий ҳолат бузилиши” каби тушунчаларга таъриф берилган.

Эътиборлиси, қонун лойиҳасида руҳий ҳолати бузилган шахсларни жамиятда асоссиз камситишга йўл қўймаслик, шу билан бирга, жамиятни руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ижтимоий хавфли қилмишларидан ҳимоя қилишга қаратилган нормалар ўз аксини топган.

Депутатларнинг қайд этишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқароларга психиатрия ёрдами кўрсатишда уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Назорат самарадорлиги нега пасаймоқда?

Депутатлар долзарб масалалар қаторида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қизғин кўриб чиқишди.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, гарчанд парламент назоратининг турли шакллари амал қилаётган бўлса-да, давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мониторинг ва назорат қилишнинг мукаммал тизими мавжуд эмас. Депутатларнинг фикрича, бу ҳолат қонун ҳужжатларининг бажарилиши устидан назорат самарадорлигини пасайтирмоқда. Натижада фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

Шунингдек, улар якунлари бўйича Олий Мажлис палаталари қарорлари мазкур органлар раҳбарларига юборилиши, Ҳукумат аъзолари юзасидан қарорлар эса Вазирлар Маҳкамасига юборилиши тартибини татбиқ этиш белгиланяпти.

Халқ вакиллари бу борада хорижий тажриба кенг таҳлил этилганини таъкидлашди. Уларнинг фикрига кўра, юқоридаги қонунларга ўзгартишлар киритилиши парламент ваколатларини кенгайтириш, ҳуқуқий ҳужжатларнинг самарали ижросини таъминлашда унинг роли ва мавқеини оширишга хизмат қилади.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Икки палатага текширув ўтказиш ваколати берилмоқда

Мажлисда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган, парламентнинг назорат функциясини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Маълумки, “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан парламент текширувлари ўтказилиши мумкин. Аммо парламент текширувини ўтказиш бўйича амалдаги тартибда бир қатор камчиликлар мавжуд эди. Ана шу бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги ва “Парламент назорати тўғрисида”ги қонунларга ўзгартишлар киритилмоқда.

Қайд этилганидек, лойиҳа билан Олий Мажлис палаталарига мустақил равишда парламент текшируви комиссиясини тузиш ва уни ўтказиш ваколати берилмоқда. Шу билан бирга, Қонунчилик палатаси ва Сенат парламент текширувларини ҳамкорликда ўтказиш ҳуқуқи сақлаб қолинмоқда.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қонун ҳужжатларида белгиланган парламент назорати шаклларидан бири бўлган парламент текширувини ўтказиш амалиётига ойдинлик киритилади. Олий Мажлиснинг ҳар бир палатасига парламент текширувини ўтказиш заруратига қараб, мустақил қарор қабул қилиш имконияти юзага келади, жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактлар ёки воқеалар юзасидан текширувлар ўтказиш мумкин бўлади.

«Халқ сўзи».

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг юксак эътирофи

1

Илк бор Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Халқаро ишлар ва парламентлараро қўмитаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Бешинчи даврий ҳисоботи кўриб чиқилиши якунларига бағишланган Ўзбекистон ҳукумати делегациясининг ҳисоботи юзасидан парламент эшитуви видеоконференция тарзида ўтказилди.

Эшитувда делегация аъзолари Женева конференциясидаги таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов олиб борди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Суд, Бош прокуратура, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси вакиллари, Болалар омбудсмани ва Бизнес омбудсмани, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси, ЕХҲТнинг лойиҳалари бўйича координатори, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, халқаро ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Парламент эшитувида таъкидланганидек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасида сўнгги йилда Ўзбекистонда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар юқори баҳоланган. Қўмита жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга жалб қилишни бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш борасида фуқаролик жамияти институтларининг аҳамиятини янада кўтаришни ижобий қабул қилган. Айниқса, Ўзбекистон томонидан ҳисобот даврида фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар соҳасида қонунчилик ва институционал чоралар кўрилаётгани, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий мезонлар Ўзбекистоннинг миллий қонунчилигига тизимли жорий этилаётгани ҳар томонлама маъқулланди.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун, тегишли Давлат дастури қабул қилингани бунинг амалий ифодасидир. Ўзбекистон коррупцияга қарши курашиш йўналишида Истанбул ҳаракатлар режаси доирасида иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотида фаол қатнашмоқда.

Йиғилишда шулар билан бир қаторда, Ўзбекистонда пенитенциар тизимни ислоҳ қилиш, яраштирув институтини жорий этиш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмагида собиқ маҳкумларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш, энг муҳими, Жаслиқдаги жазони ижро этиш махсус колониясининг ёпилиши Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита томонидан юқори баҳоланган алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Бешинчи даврий ҳисоботда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, гендер тенглиги соҳасида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оила институтини мустаҳкамлаш йўналишида Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг олдинги тавсиялари Ўзбекистон томонидан ижроси таъминланганлиги катта ютуқ, деб эътироф этилган.

Видеоконференция иштирокчилари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси томонидан Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Бешинчи даврий ҳисоботини батафсил кўриб чиқишди.

Қизғин муҳокамалардан сўнг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг тавсиялари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро шартномани ратификация қилиш, мунтазам равишда жамоатчиликка кенг ахборот бериш, БМТнинг тегишли тузилмаларига етказиш борасида “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

«Халқ сўзи».

Хорижлик экспертлар:

Биз инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия соҳасидаги ҳамкорликни олқишлаймиз

Хелена ФРЕЙЗЕР, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси доимий координатори:

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти махсус гуруҳи Ўзбекистон билан Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг яқиндаги ҳисоботи бўйича конструктив мулоқотни олқишлайди. Биз болалар ва мажбурий меҳнатини бекор қилиш, суд тизими мустақиллигини мустаҳкамлаш, Омбудсманнинг имкониятларини кенгайтириш, гендер тенгликни таъминлаш ва аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, коррупцияга қарши курашни кучайтириш бўйича Ҳукумат билан иш олиб боряпмиз. Бу ишларда БМТ тузилмалари фаол қатнашяпти. Шунингдек, COVID-19 пандемияси пайтида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий шериклар билан ҳамкорлик изчил давом этяпти.

Биз қўмита тавсиялари бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда Ҳукуматни қўллаб-қувватлашга тайёрмиз ва бу жараёнларда Олий Мажлиснинг роли муҳим экани қайд этилмоқда.

Фуқаролик жамияти имкониятларини кенгайтириш, шу жумладан, ННТ тўғрисидаги амалдаги қонунчиликка халқаро стандартларга мувофиқ ўзгартириш киритиш жуда муҳим саналади. Шу маънода, биз инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия соҳасидаги ҳамкорликни олқишлаймиз.

Жон МАКГРЕГОР, ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси:

— ЕХҲТ инсон ҳуқуқлари йўналишига алоҳида эътибор қаратиб келади. Чунки ташкилотга аъзо 57 мамлакатда фаолият юритаётган инсон ҳуқуқлари институтларига нисбатан муайян мажбуриятлар юклатилган.

Ўзбекистон мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Мамлакатда 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналиш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари ўз ифодасини топганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Сўнгги уч йил ичида ушбу тизим такомиллаштирилди, миллий қонунчилик мустаҳкамланди, бу борада салмоқли ишлар қилинди.

ЕХҲТ халқаро ҳуқуқий амалиёт ва тажрибага эга. Бизнинг мазкур йиғилишдаги иштирокимиз ўз мажбуриятларимизни тўлдириш билан бир қаторда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлардаги иштирокимизни янада фаоллаштиради. Ўзбекистон билан бундан кейин ҳам ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Даниэль РОЗЕНБЛЮМ, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистон охирги уч йилда инсон ҳуқуқлари соҳаси, жумладан, мажбурий меҳнатни бекор қилиш, эътиқод эгалари ҳуқуқларини кенгайтириш, сўз эркинлиги учун катта майдон яратиш, фуқаролик жамияти ташкилотларига янада эркин фаолият юритишига имконият яратиш, коррупцияга қарши курашиш ва судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида юксалишга эришди. Бинобарин, рўй бераётган ўзгаришлар катта таассурот қолдирмоқда.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳақиқатан ҳам, ортга қайтмас эканлигини дунёга намоён этган ҳолда, ушбу ижобий ҳаракатларни давом эттириш муҳимдир.

Ҳар қандай давлат ҳамиша яхши тарафга интилиши, халқаро ҳамжамият билан фаол ўзаро алоқалар қилиш, ташқи танқидларни эшита билиш ва қабул қила олиши ҳамда ўз ўзини танқид қилишга қодир бўлиши керак.

Парламент қонунчилик ташаббускорлиги, қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва такомиллаштиришда муҳим роль ўйнайди. Бироқ у қонунлар реал ҳаётда қандай ижро этилаётганини ҳам доим кузатиб бориши шарт. Парламентнинг роли қонун қабул қилинганидан сўнг тугаб қолмайди. Қонунчилик палатаси ва Сенат қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, мамлакатда шаффофликни таъминлаш бўйича ўз ишини давом эттириши керак.

Кучли ва мустақил суд тизими фуқароларнинг асосий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иқтисодий ривожланиш учун адолатли ҳамда тенг ҳуқуқли платформа яратишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу мамлакатнинг узоқ муддатли гуллаб-яшнашининг ягона мустаҳкам асоси бўлиб, хориж инвестицияларини жалб этишда катта ўрин тутади.

ЭЛИМИЗ МЕҲНАТКАШ, ЕРИМИЗ САХОВАТЛИ

1

Айни Рамазон ойида “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатининг ташкил этилгани тадбиркорлар, ишбилармонлар, раҳбарлар, қолаверса, ҳар бир саховатпеша инсонларнинг ёрдамга муҳтожларга хайр-эҳсон кўрсатиш йўлида айни муддао бўлди, десак, муболаға бўлмайди.

Яна бир ҳақиқатни ҳам унутмаслигимиз керак. Коронавирус пандемияси туфайли юзага келган вазият мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш, муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича қўшимча зарур чоралар кўришни тақозо этмоқда. Бу борада белгилаб берилган вазифалар асосида Сурхондарё вилоятида ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида **маҳсулотлар етиштириш ҳажмини икки баробарга ошириш**, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида карантин чекловлари сабабли вақтинча ишсиз қолган, ижтимоий кўмакка муҳтож, эҳтиёжманд фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш чоралари изчил давом эттирилмоқда.

Бугунги синовли кунларда эзгу ниятни кўнглига туккан тадбиркорлар, деҳқон ва фермерлар, ҳиммати баланд инсонлар ихтиёрий равишда ташаббус кўрсатиб, ўрганишлар натижасида аниқланган 35 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилаларда яшовчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашмоқда.

Чунончи, “ZIF Textile”, “Термиз таъминот”, “Термиз тезкор қурилиш”, “Музработ КСП Гранд”, “Сурхон сифат текстиль” масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда “Ангор Сурхон ғурури” кластер хўжалиги сингари 5 минг 600 дан зиёд ташаббускор тадбиркорлик субъектлари ҳамда савобталаб воҳадошларимиз томонидан 34300 нафарга яқин эҳтиёжманд фуқароларга уч ой давомида кундалик зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб туриш ва бошқа молиявий ёрдамлар кўрсатиш, 17400 нафар ишсиз кишининг бандлигини таъминлаш бўйича амалий ҳаракатлар бошлаб юборилган.

Карантин сабабли фаолиятини вақтинча тўхтатган хўжалик субъектлари аҳволи ҳам бирма-бир ўрганиб чиқилиб, уларга ҳар томонлама ёрдам бериляпти. Муҳими, пухта ишлаб чиқилган чора-тадбирлар натижасида вилоятдаги уч мингга яқин саноат корхоналари фаолияти тўхтаб қолишга йўл қўйилмади. Бу ушбу корхоналарнинг 47 минг нафардан зиёд фуқаролари ишсиз қолмади, дегани.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Жорий йилнинг март-апрель ойларида вилоятдаги 9 минг та тадбиркорлик субъектига 936,2 млрд. сўмлик имтиёзлар ва молиявий ёрдамлар берилди. Шунингдек, қатор фермер хўжаликлари томонидан 3 мингдан ортиқ фуқароларга такрорий экин учун ер майдони ажратиб бериш, маҳсулот экишдан тортиб то йиғиб олгунга қадар бўлган барча сарф-харажатни ўз ҳисобидан амалга ошириш кўзда тутилган.

Чўп суқсанг кўкарадиган еримиз, меҳнатсевар халқимиз бор. Сурхондарёликлар ҳозирги мураккаб вазиятни инобатга олган ҳолда, энг аввало, ўз томорқаларидан самарали фойдаланиш, ундан икки баробар кўп ҳосил олиш, шу орқали даромадлари ва фаровонлигини оширишни мақсад қилган.

Деҳқончиликда бой тажриба орттирган миришкорларимиз томонидан ҳозирги кунга қадар 493,3 минг тонна эртаги сабзавот ва 64,6 минг тонна картошка етиштирилиб, 59,8 минг тонна, 31,7 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, 840,5 минг тонна саримсоқпиёз, карам, кўкат маҳсулотлари йиғиштириб олиниб, ички эҳтиёждан ортган қисми Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларга етказиб бериляпти.

Мавсум якунига қадар қўшимча 290,2 минг тонна эртаги сабзавот ҳамда 85,7 минг тонна картошкани йиғиб олиб, пировардида 308 минг тонна маҳсулотни экспорт қилиш имкониятимиз бор. Бу борада мавжуд қўшимча имкониятларни ишга солиш эвазига вилоят бўйича қарийб 23 минг 500 гектар асосий майдонга, шунингдек, 9 минг 600 гектар боғ ва токзорлар қатор ораларига сабзавот, картошка, полиз, дуккакли ҳамда мойли экинлар экилди.

Вилоятимиз бўйича жами 12 минг 959 гектар фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган майдонлар мавжуд бўлиб, апрель-май ойларида унинг 3071 гектари қайта фойдаланишга киритилиши ҳисобига 68 минг тонна полиз, 14 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари олиниши режалаштирилган.

Қисқаси, коронавирус пандемияси даврида барча куч ҳамда имкониятлар, қўшимча ресурсларимизни сафарбар этиб, аҳолини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга астойдил ҳаракат қиляпмиз. Зеро, муқаддас китобимизда айтилганидек, “Яхшиликнинг мукофоти — фақат яхшиликдир”.

Тўра БОБОЛОВ, Сурхондарё вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЭЪЛОН

“NBU INVEST GROUP”
масъулияти чекланган жамияти
ягона иштирокчисининг
2020 йил 30 апрелдаги
67-сонли қарорига мувофиқ
“NBU INVEST GROUP”
акциядорлик жамияти
қайта тузилмоқда.
Мурожаат учун манзил (жамиятнинг янги почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Я. Гуломов кўчаси, 95-уй.
Тел.: 71-233-00-79, 71-233-84-63,
факс: 71-233-01-57.
225R/

Ҳамкорлик

ДУНЁДАГИ ЭНГ КАТТА ЯРМАРКАДА ЎЗБЕКИСТОН ҲУНАРМАНДЛАРИНИ КУТИШМОҚДА

Мамлакатимизнинг Вашингтондаги элчихонаси хабарига кўра, 30 апрель куни Ўзбекистоннинг АҚШдаги фахрий консули Кэрол Лопез билан видеоконференция ташкил этилди. Унинг қароргоҳи Нью-Мексико штатидаги Санта-Фе шаҳрида жойлашган бўлиб, Лопез хоним ҳар йили ўтказиладиган Халқаро халқ амалий санъати буюмлари ярмаркаси директорлар кенгаши аъзоси ҳам ҳисобланади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон 60 давлатдан 150 дан зиёд ҳунармандлар иштирок этадиган дунёдаги энг йирик ушбу форумнинг доимий қатнашчиларидан биридир. Уч кун давом этадиган ярмаркада қарийб 3 миллион долларлик халқ амалий санъати намуналари сотилади. Эътиборлиси, мамлакатимиз вакиллари 250 мингдан 500 минг долларгача бўлган маҳсулотларни харидорларга тақдим этиб, доимо етакчилар сафидан жой олади.

Ўзаро мулоқот чоғида юртимиздан маҳсулотларни етказиб бериш бўйича электрон платформа яратиш орқали маҳаллий ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш, республикамизнинг Нью-Мексико штатидаги компаниялар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлигини кучайтириш масаласи муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, Кэрол Лопез элчихонанинг Ўзбекистон товарлари онлайн савдосини амалга ошириш имкониятини берадиган веб-сайт яратиш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлади ва америкалик экспертлар ҳамда маҳаллий ишбилармонлар билан биргаликда АҚШга юртимиз маҳсулотлари экспортини йўлга қўйишни кўриб чиқаётганини таъкидлади.

Якунда у ўзининг видеомурожаатини Ўзбекистондаги барча ҳунармандларга етказиб қўйишни сўради. Лопез мурожаатида, жумладан, шундай деди:

“Азиз дўстлар!

Исм-шарифим Кэрол Лопез. Ўзбекистоннинг Америка Қўшма Штатларидаги фахрий консули бўлиш мен учун катта шарафдир. Мен, шунингдек, ҳар йили Нью-Мексико штати Санта-Фе шаҳрида ўтказиб келинадиган Халқаро халқ амалий санъати буюмлари ярмаркаси директорлар кенгаши аъзосиман.

Ҳар йили бизнинг кўргазмада дунёнинг турли бурчакларидан минглаб ҳунармандлар иштирок этади. Афсуски, COVID-19 тарқалиши сабабли биз жорий йилда бу кўргазмани бекор қилишга мажбур бўлдик.

Бироқ бу йил давомида танлов учун танланган барча иштирокчилар, шу жумладан, ўзбекистонлик усталар ҳам 2021 йилги маҳсулотлар кўргазмаси ва савдоси учун автоматик тарзда рўйхатдан ўтказилади. Қолаверса, биз усталаримиз, айниқса, ўзбекистонлик ҳунармандлар ясаган, нафислиги билан ҳар йили барча қатнашчиларнинг ҳайратига сазовор бўладиган гўзал маҳсулотларни сотиш учун махсус онлайн савдо платформани ташкил этиш устида ишлаяпмиз. Пандемиянинг ҳозирги шароитида биз АҚШдаги ва Ўзбекистон “Ҳунарманд” уюшмасидаги ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда ўзбек ҳунармандлари маҳсулотларининг электрон савдо майдонини яратиш бўйича ҳам саъй-ҳаракатлар олиб боряпмиз.

Ўзбекистон ҳукуматининг маҳаллий ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича жадал қадамлар ташлаётганидан жуда хурсандман. Уларнинг ижодий фаолияти ва санъат асарларини республика экспорт салоҳиятини кучайтиришнинг муҳим қисми сифатида белгилаб олингани энг оқилона қарордир. Ўзбекистонда ушбу соҳада тадбиркорлик фаолиятига кўмак бериш доирасида амалга оширилаётган ишлар мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, шунингдек, ўзбек халқининг бетакрор ва кўп асрлик ажойиб маданиятини сақлашда муҳим омил ҳисобланади.

Шу муносабат билан барча ҳунармандларни ўз санъатлари устида астойдил ва тинимсиз ишлашларига чақириб қоламан. Умид қиламанки, барча ҳунармандлар, рассомлар ва санъатшунослар коронавирус пандемияси муносабати билан эълон қилинган карантин доирасида айни пайтда ўз вақтларини уйларида ўтказишяпти ва ўз фаолиятини мамнуният билан давом эттиришмоқда.

Ҳурматли Ўзбекистон ҳунармандлари!

Сиз ва сизнинг санъатингизни Нью-Мексико, Техас, Висконсин ва АҚШнинг бошқа ҳудудларидаги кўргазмаларимизда интиқлик билан кутишмоқда.

Нью-Мексико, Санта-Федан энг яхши тилаклар билан,

Кэрол Лопез!”

Саиджон МАХСУМОВ
(“Халқ сўзи”) тайёрлади.

Ҳозирги кунда дунёни жиддий ташвишга қўйган коронавирус касаллиги бундан 55 йил олдин аниқланган. У XXI аср бошидан буён дастлаб Хитойда, сўнг айрим бошқа мамлакатларда “атипик пневмония”, “атипик респиратор касаллик”лар кўринишида намоён бўлган. Улар оғир асоратлар билан кечган бўлса-да, тез ва кенг тарқалмаган. Бугунги кундаги коронавирус тез, шиддат билан тарқалишга мойил бўлиб, жаҳоннинг 210 га яқин мамлакатларига етиб борди. Ушбу хавфли инфекция қўзғатувчиси экогенетик омиллар таъсирида пайдо бўлган (яъни мутация яратган) коронавирус янги штамми, деб баҳоланмоқда. Шундай бўлган тақдирда ҳам, инсоният янгича таъсир қилиш хусусиятларига эга бу коронавирус олдида иложсиз эмас!

Мушоҳада

Биринчидан, бу катта ваҳималар туғдираётган касалликни аниқ ташхислаш усуллари мавжуд ва улар юртимизда қўлланилмоқда. **Иккинчидан**, коронавирус хасталигига қарши чора-тадбирлар, дори-дармонлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан маъқулланиб, амалиётга жорий этилган. Ўзбекистонда улар асосида барча тегишли ишлар олиб борилмоқда. Қолаверса, дунё олимлари коронавирус инфекцияси давосини янада оптималлаштириш ва унга қарши вакцина яратиш бўйича изланишларни давом эттирмоқда.

Бу балодан ишонарли сақланиш учун ҳар бир инсон, биринчи навбатда, кундалик ҳаётда тана поклигига эътибор бериши, қўлларни такрор-такрор тозалаб, бир оз давомлироқ ювиб туриши жуда зарур. Энди ҳаётимизга чуқур илдиз отиб кириб олган қўлни қаттиқ сиқиб ёки қучоқлашиб кўришиш одатларидан ҳам воз кечиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Азалий ўгитларимизда: “Саломлашганда катта ёшли одам аввал қўл узатмаса, кичик ёшли одам унга қўл узатмаслиги лозим”, дея қайд этилган. Демак, ёши улуғларимиз қўлни кўксига қўйиб, салом-алик қилишдек бетакрор қадриятимизни ёшларга сингдириша, айни муддао бўларди.

Коронавирусдан сақланишга кўмаклашувчи омилларга тиббий ниқоб тақиб юриш, яккаланиб, чегараланишлар ҳам киради. Тиббий ниқоб кишининг атрофдаги одамлардан коронавирус инфекциясининг юқишидан ёки ўз организмида ушбу касаллик содир бўлиб қолганда (айниқса, дарднинг яширин даврида) бошқаларга ўтишидан ҳимоялайди. Ана шу сабаб ёт биологик унсурдан узоқ бўлиш ёки тарқалишини чеклаш учун тиббий ниқобдан фойдаланиш талабларига қатъиян риоя қилиш керак.

Соғлом одамнинг коронавирус билан дуч келмаслиги ва унинг асири бўлмаслиги йўлидаги ягона ва ишончли қалқон, бу — унинг маълум вақт (эпидемиологик заруратга қараб) ўз уйида яккаланиб, чегараланиши ҳисобланади.

Одам жуссаси, халқчил сўзлар билан таърифланганда, “қош-кўзли, ширмой юзли бир қоп эт” эмас. У мураккаб биологик жонли аъзо бўлиб, 50 мингдан зиёд биокимёвий жараёнларни бошидан кечиради. Ҳар бир киши организмида бир суткада оғирлиги ўз жигаридай, суяклар ичига моҳирона жойлаб қўйилган, қон ҳосил қилувчи тўқима — кўмик томонидан 25 — 30 миллиард эритроцитлар (ҳужайраларга кислород ташувчи), лейкоцитлар (бактерия ва вирусларга бас келувчи митти посбонларимиз) ва (беҳуда қон оқишининг олдини олувчи) тромбоцитлар яратилиб, улар ўз бурчларини ўтаб туради.

> *Соғлом одамнинг коронавирус билан дуч келмаслиги ва унинг асири бўлмаслиги йўлидаги ягона ва ишончли қалқон, бу — унинг маълум вақт (эпидемиологик заруратга қараб) ўз уйида яккаланиб, чегараланиши ҳисобланади.*

Юқоридагиларга одам организмининг бактерия ва вирусларга қарши ҳимоя тизими мавжуд эканлигини қўшиб қўйиш лозим. Бу одам организми иммун тизими дейилади ва унга талоқ, жигар, лимфа тугунлари ва кўмик киради. Улар ёрдамида организмга тушган юқумли касалликлар қўзғатувчилари антиген моддаларига қарши зид факторлар — антителалар ҳосил бўлиб, касалликни бартараф этади. Ушбу жараёнга талоқ ва кўмикдаги фагоцитар (микроорганизмлар)ни ютиб олиб, ҳазм қилиб юборувчи ҳужайралар ҳам мадад беради.

Болаларда иммун ҳимоя тизими 5 ёшга боришгина шаклланади. Бу ёшгача юқумли касалликлардан сақланиш, у табиат донолиги инъом этган имкониятлардан кўмак олади. Бола онаси қорнида йўлдош орқали мавжуд зид фактор (антитела)ларни, туғилгач эса кўкрак сути орқали уларни олиб, ўзига захира тайёрлайди. Бунга туғилгандан бошлаб болаларда ўтказилган эмлашлар организмнинг қўшимча иммун ҳимоясини таъминлайди. Шундай экан, она иммун тизимининг бутунлиги билан боласининг иммун кучи ўта боғлиқ бўлади. Оммавий ахборот воситалари етказган хабарлар орасида коронавирус болалар орасида кам, ёши катталар, айниқса, кексалар орасида кўп (масалан, Италияда) деган маълумотлар берилди. Шу боис коронавирус энди дунёга келган гўдакдан бошлаб, барча ёшдаги, жумладан, кекса (60 ва ундан ошиқ), қари (76 ва ундан ошиқ) ва умри боқий (90 ва ундан ошиқ ёшлиларда) кишиларда учраши мумкин. Буни кузатилаётган воқеалар тасдиқламоқда. Бу ерда гап шундаки, XXI аср — узоқ умр кўрувчи инсонлар асри бўлиб турганда, биргина бу кунги коронавирус ушбу жараёнга рахна солиши мумкин эмас. Хулосамиз шуки, барчада ўхшаш — болаларда ва ёши катталарда коронавирус билан хасталаниш ёш билан боғлиқ бўлмас, улар организми иммун тизими ҳолати билан кўпроқ алоқадор, деб қараш асослироқ бўлар.

Организмимиз иммун тизими ҳаёт-мамот курашида ҳал қилувчи бўлганда, уни мустаҳкамлаш ва фаолиятини оптималлаштириш нималарга боғлиқ? Улар ейиш-ичиш, тоза ҳаво, ҳаракат ва соғлом руҳиятдир.

Организмимиз ўзида бор имкониятларни асраб-авайлаб, улардан қайта фойдаланиб, чиқиндиларсиз фаолият олиб боради. Бир мисол, бир суткада кўмик тўқимасида яратиладиган кўп миллиардлик эритроцитлар гемоглобини учун сарфланадиган 33 мг. темир биоэлементининг 25 мг. нобуд бўлган қизил қон таначаларидан, 6 мг. захирадан, 2 мг. истеъмол қилинган овқатлардан қопланади.

Организмимиз иммун тизими куч-қуввати дастурхонимиздаги овқатлар таркиби билан узвий боғлиқ. Уларда етарли миқдорда оқсиллар (турли гўшт, жигар, тил, балиқ, сут маҳсулотлари, соя, нўхат, ловияларда сақланадиган), ширинлик моддалар (новвот, асал, сабзавот ва мевалар) турли ёғлар, витамин ҳамда микроэлементлар (овқатга қўшимча биопрепаратлар бошқа фармацевтик жамламалардаги) жой олган бўлиши шарт. Қисқача айтганда, емак ҳам — баҳоли қудрат, хилма-хил ва сифатли бўлиши ўта фойдалидир. Бу тавсия, айниқса, болалар ва ёши катталар учун алоҳида аҳамият касб этади.

Жисмимизда моддалар алмашинувида доим ажралиб турадиган эндотоксинлар, инфекциялар тушиб қолганда, улар чиқарадиган экзотоксин (заҳарли моддалар)ни ювиб туриш учун кунига 1,5-2 л. ичимлик сувидан ичиб туришимиз керак.

Ҳозирги карантин шароитида ҳар бир киши бадантарбия ва юришни (хона ичида ёки уйи ҳовлисида) канда қилмаслиги даркор. Иммун тизимига қувват бағишловчи кучли омил, юқорида қайд этганимиздек, бу соғлом руҳий ҳолат, яъни хушкайфият ва хотиржамликдир. Ҳудабехуда қизиссиғларга берилиб, ваҳималарга тушишдан йироқ бўлиш лозим. Кези келганда, бу борада буюк Алишер Навоий ўз устозлари сафига қўшган туркийзода шоир Хисрав Деҳлавийнинг “Бу оламда ғам-ғуссадан сўлмаслик учун дунёнинг икир-чикирлари эмас, унинг яхлит ўзи тўғрисида қайғур”, деган фикрларини эслаб қўйиш мумкин.

Умуман айтганда, жонажон Ўзбекистонимизда коронавирусни жиловлаш учун юқори савияли чора-тадбирлар бекаму кўст давом этмоқда. Мақсадга тезроқ эришиш учун барчадан қаттиқ интизом, матонатли ҳаракат, букилмас ирода ва мустаҳкам ишонч талаб этилади. Эртанги кунимиз ҳар биримизга боғлиқ.

Саиджалол БАҲРОМОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган шифокор,
Россия Фанлар академияси академиги,
Қирғизистон Миллий фанлар академияси фахрий академиги.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигига

Иккинчи жаҳон уруши ва фашизм устидан қозонилган ғалабага халқимизнинг қўшган ҳиссаси, унинг салмоғи қанчалик катта эканлигини англаш учун фақат рақамларни келтиришнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг залварини англаш учун урушнинг ҳар бир хонадонда қолдирган мудҳиш хотираларини тинглашимизга тўғри келади.

Урушнинг дастлабки йилларида фашистларнинг тўсатдан уюштирган ҳужуми туфайли совет армияси катта талафотларга учради. “Барбаросса” дастури бўйича амалга оширилган кенг фронтдаги босқинчилик ҳужуми туфайли фашистлар қисқа муддат ичида Украина, Белоруссия, Молдавия, Литва, Латвия, Эстония Республикаларини ва Псков, Смоленск, Курск, Орёл, Ленинград ҳамда Белгород вилоятларини босиб олди. Мазкур ҳудудлар учун бўлган жангларда совет армияси 2,5 миллиондан ортиқ шахсий таркибидан ажралди. Афсуски, улар орасида юз минглаб ўзбек ўғлонлари ҳам бор эди.

Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ўзбекистонлик 550 минг аскар ўз уйларига қайтмади.

Иродаси букилмас қаҳрамонлар

Нацистлар босиб олган ҳудудлар ва Германияда 40 дан ортиқ концентрацион лагерларни ташкил этиб, ўзлари учун иккинчи даражали ирқ деб ҳисобланган ҳамда урушда асирга тушган совет жангчиларини кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қийноқларга солган. Хоин ва жангда мағлубиятга учраган генералларнинг айби билан юз минглаб ўзбекистонлик жангчилар фашистлар асос солган Бухенвальд, Собибор, Освенцум, Амерсфорт, Варшава, Заксенхаузен лагерларида азобларга дучор этилган. Аввалига осиёлик асирларга нацистлар билан ҳамкорлик қилиш тавсия этилган. Аммо концентрацион лагерларда сақланган 80 фоиздан ортиқ ўзбек жангчилари хоинликдан кўра ўлимни афзал билишган. Ҳамкорлик қилишга рози бўлган қолганларининг кўпчилиги эса немислар томонидан ташкил этилган Туркистон легиони батальони таркибида жангга кириб, кейинчалик совет армияси сафига қўшилишга муваффақ бўлган.

Концентрацион лагерлардаги нацистларнинг қийноқлари минглаб ҳамюртларимизнинг иродасини бука олмади. Улар тутқунликда ҳам нацистлар тузумига қарши курашда фаол иштирок этишди. Ана шундай курашларда ортга чекинмаган мард ўзбек ўғлонлари босқинчилар оккупация қилган Белоруссия, Украина, Болтиқбўйи, Молдавия, Польша ва Европанинг бошқа ҳудудларида партизанлик ҳаракатларида иштирок этганлиги билан тарихдан жой олди. 75 нафар ўзбек жангчиси “Ватан уруши партизани” 1 ва 2-даражали медали билан тақдирланди. Инсоният бошига оғир кунларни солган фашизм балосига қарши мардонавор курашган мингдан ортиқ ўзбекистонлик жангчилар душман билан бўлган курашда қаҳрамонлик кўрсатиб, буюк Ғалабага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Партизанлик ҳаракатини олиб борган ўзбек қаҳрамонлари сифатида Мамадали Топволдиев (лақаби “Казбек”), Жонибек Отабоев (лақаби “Қасоскор”), Охунжон Қаҳҳоров, Абдуҳамид Сайдалиев, Одамбой Муратов, Ниғмон Ражабов, Сайфулла Нуруллаев, Уксанбой Холматов, Қулмат Мамадалиев, Маматхон Жалилов, Аҳмад Мамажонов, Турғун Қўчқоров, Шариф Самадов, Омон Бердиев, Али Исаев, Қаландар Қурбонов, Абдулла Исахонов, Ҳамза Қўзибоев, Бектош Мирзаев, Саид Мусахонов ва бошқа минглаб ўзбек жангчилари иродаси букилмас қаҳрамонлар сифатида тарихга ўз номларини муҳрлади.

Шунингдек, немис концентрацион лагерларидан қочишга муваффақ бўлган мард ва жасур ўзбек йигитлари Польша, Югославия, Албания, Болгария, Венгрия, Греция, Италия, Норвегия, Руминия, Франция, Чехословакия халқ озодлик армиялари сафларида турли миллат вакиллари билан биргаликда душман кучларига сезиларли талафот етказишда иштирок этишди. Айниқса, ўзбекистонлик Мурот Ўролов кўрсатган жасорат ҳар қандай таҳсинга лойиқ. У 1942 йили 229-ўқчи дивизияда взвод командири сифатида 1942 йили Харьков остонасидаги жангларда асир олинган. Немислар томонидан ташкил этилган Туркистон легиони батальонларидан бири таркибида 132 нафар жангчи билан “БХ” (“Батальоны хлопске” — “Деҳқонлар батальони”) деб номланган Польша партизанлари таркибига қўшилган ҳолда фашист босқинчиларига қақшатқич зарбалар бергани тилларда достон бўлди.

Олисларда қолган хўрсиниқ

Иккинчи жаҳон уруши пайтида нацистлар инсоният тарихида энг мудҳиш жиноятларни амалга оширган. Ғалабадан кейин Нюрнбергда бўлиб ўтган халқаро судда бундай жиноятларга алоқаси бор бўлган барча нацистлар раҳбарлари тегишли тарзда жазоланди. Аммо улар томонидан миллионлаб инсонларга етказилган чуқур жароҳат излари йиллар ўтса-да, қалбларни ларзага солиб келади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, фашистлар концентрацион лагерларда асирларни даҳшатли қийноқларга солиб, азоблаган. Улар томонидан амалга оширилган жиноятларни ҳеч бир замонда асло оқлаб бўлмайди.

1941 йил 10 июль — 10 сентябрь. Смоленск учун бўлган жанг. Нацистлар Германиясининг 37 та дивизиядан ташкил топган бир неча армияларининг “Марказ” ва “Шимол” гуруҳлари Совет иттифоқининг 64 та дивизиясини роппа-роса икки ой давомида мағлубиятга учратди. Совет армияси ушбу жангларда 760 минг шахсий таркибини йўқотди. Фронтлардаги стратегик назоратни қўлдан чиқарган совет армиясининг Киев ҳамда Вязма йўналишларидаги қўшинлари қуршовга тушиб қолди. Босқинчилар томонидан ўн минглаб совет жангчилари асирга олиниб, Польша, Германия ва Голландиядаги концентрацион лагерларга юборилди. Уларнинг бир қисми, яъни 101 нафар ўзбекистонлик асир жангчи Амерсфортга олиб келинди ва рус тилини биладиган СС офицери томонидан сўроқ қилинди. Уларнинг Ўзбекистондан, аксарияти Самарқанддан эканлиги маълум бўлгач, нацистлар Ўрта осиёлик асирларни хўрлаб, тинимсиз қийноқларга солганлар. Чунки ўзини олий ирқ вакиллари деб санаган фашистлар ҳамюртларимизга нисбатан иккинчи даражали шахс сифатида муомала қилишган.

Гарчи немис қўшинлари Смоленск йўналишида катта муваффақиятга эришган бўлса-да, Гитлернинг кузга қадар Москвани эгаллаш режалари барбод бўлганди. Шунинг учун Гитлер қўшиндаги жанговарликни ошириш мақсадида совет жангчиларини таҳқирловчи фильм олишга топшириқ беради. Бу ишга масъул бўлган рейхсканцлер Геббельс кўрсатмасига мувофиқ, осиёлик асирлар устида инсонни таҳқирловчи турли синовлар олиб борилади. Бошқа асирлардан фарқли ўлароқ ўзбекларга озиқ-овқат деярли берилмайди. Уларни усти очиқ иншоотларда сақлашади. Голландиялик журналист Ремко Рейдинг ва 91 ёшли амерсфортлик гувоҳ Хенк Брукхаузен келтирган маълумотларга кўра, очлик ва қийноқ азоблари, бунинг устига қиш мавсумининг совуқли кунларидан 24 нафар ҳамюртимиз омон чиқмаган. Қолган 77 нафар асир Геббельс кўрсатмасини бажармаганлиги учун 1942 йили отиб ташланган. Тасаввур қилинг, эндигина навқирон ёшда бўлган бу бахтиқаро йигитларнинг олис Голландия ўрмонларида ном-нишонсиз ўлим топиши қанчалик аянчли. Ўлими олдидан туғилиб ўсган юртини кўриш армон бўлган бўз йигитлар...

Орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтиб уларнинг олис Голландия ўрмонларида қолиб кетган хўрсиниқ овозларини бутун дунё эшитди. Бир неча йилдан буён ушбу иш юзасидан изланишлар олиб борган Ремко Рейдинг аввалига Россияда, кейин эса юртимизда бўлди. У Ўзбекистонга келганда ўша пайтда голланд асирларидан бири ўзбек жангчиларидан тўққизтасининг расмини чизган ҳамда Қодиров Ҳотам ва Муратов Зоир деб қайд этилган инсонларнинг яқинларини суриштирди. Шунингдек, Рейдинг Амерсфорт концлагери музейида сақланаётган икки нафар ўзбек асири тасвирланган фотосурат бўйича ҳам жойларда суриштирув ишлари билан шуғулланди.

Дарвоқе, биз Самарқандда ижодий сафарда бўлганимизда вилоят мудофаа ишлари бўлими ходимлари Ҳотам Қодиров Жомбой туманидан эканлигини айтишди. Шунингдек, Анвар Эргашев ва унинг рафиқаси Юлия Медведовскаянинг “Бир юз бир” романи чоп этилди. Ушбу роман асосида Самарқанддаги “Сазағон” полигонида фильм суратга олиняпти. Ремко Рейдинг олиб борган тадқиқотлар ва унинг Россия ҳамда Ўзбекистонга уюштирган сафарларининг самараси ҳозирча шу. Келажакда Гитлер ва Геббельснинг режаларини барбод қилган 101 ўзбек қаҳрамонининг тақдири ҳақида яна кўпроқ маълумотлар тўпланишига умид қиламиз. Бунинг учун бизга Самарқанд вилояти ҳокимлиги, вилоят, туманлар мудофаа ишлари бошқармаси ва бўлимлари ходимлари ҳамда Смоленск жангида қатнашган дивизияларнинг архив ҳужжатларини синчковлик билан ўрганиш ёрдам беради. Нима бўлган тақдирда ҳам, тинчлигимиз йўлидаги курашда ўз жонини фидо қилган юртдошларимиз хотираси олдида ҳамиша бош эгамиз. Зеро, юқорида айтганимиздек, фашистлар режасига кўра, Ўрта Осиё Туркистон рейхскомиссариатлигига айланмади. Бунга Иккинчи жаҳон урушида қатнашган 1,5 миллион ўзбек жангчисининг ҳар бири ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Асрор РЎЗИБОЕВ.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 39 497 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегматов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.35 Топширилди — 02.50 1 2 3 4 5 6